

ИНСОН КАМОЛОТИНИ ТАЪМИНЛАШДА АДАБИЁТ: СТРУКТУРАВИЙ-ФУНКЦИОНАЛ ЖИХАТ



Рустамжон САМАРОВ

ТДТУ профессори, фалс.ф.д., психол.ф.н
samariyon@mail.ru

Аннотация

Мақолада инсон камолотини таъминлашда адабиётнинг роли, бадиий матн ва китобхон матни орасидаги тафовут, индивидуал маънавиятнинг шаклланиш жараёни ва унинг вазифалари ҳақида муносабат билдирилган.

Аннотация

В статье анализируется роль литературы в развитии личности, отличие художественного текста от текста читателя, процесс формирования индивидуальной духовности и его функции.

Abstract

This article examines the role of literature in the development of the individual, unlike a literary text from the text reader, the process of formation of individual spirituality and its functions.

Калит сўзлар: камолот, камолотнинг таркибий қисмлари, адабиёт, жанр, маънавият, полиморфизм, индивидуал маънавият ва унинг структураси, ижод, матн, “Мен” концепцияси.

Ключевые слова: развитие, структура развития, литература, жанр, духовность, полиморфизм, индивидуальная духовность и его структура, творчество, текст, “Я”-концепция.

Keywords: development, structure development, literature, genre, spirituality, polymorphism, individual spirituality and its structure, creativity, the text, the “I”-concept.

Инсон камолотини таъминлашда адабиётнинг ўрнини бошқа бирор-бир маданий-маърифий мажмуа боса олмайди. Адабиёт, жумладан, бадиий адабиёт аниқ табиий тил воситасида баён этилган, аниқ ҳажмга (жанр кўринишига) эга бўлган матнни⁵ камраб олиб, маълум мазмунни ифодалаш,

⁵ Матн (ماتن) – шарҳ ва иқтибосдан ташқари асл китоб.

аниқ ғояни шакллантириши, меъёрларнинг кўрсатилганлиги ва ҳаётнинг бирор соҳасига тааллуқлилиги жиҳатидан дунёвий, диний, илмий ва амалий кабиларга ажратилади.

Адабиёт яхлит ижтимоий-маданий мажмуа сифатида маиший-маданий, ижтимоий-маданий, иқтисодий-маданий, сиёсий-маданий, ҳуқуқий-маданий, тиббий-маданий каби ғояларни мужассам этиб, қайси тилда яратилган бўлса, ўша тил соҳибларининг кечинмалари, интилишлари, хотиралари, ҳаёт тарзини акс эттиради. Шу тариқа, адабиёт миллий қадриятларни шакллантириб (такомилини таъминлаб), уни умуминсоний қадриятлар даражасигача чиқаришга функционал таъсир кўрсатади, миллий маданиятни тарғиб этиб, дунё манзарасининг бадиий тасвирини такомиллаштиради. Бу ўз навбатида адабиётнинг **маънавий** ва **полиморфизм** тизимларини шакллантиришидан далолат беради. Яъни, адабиёт **маънавий** ва **полиморфизм** тизимларини яратиб, жамият ижтимоий ва маданий тизимининг амал қилиши учун, тизимости (подсистема) тарзида иштирок этади. Бу эса адабиётни миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш воситаси сифатида ҳам идрок этишни тақозо қилади. Негаки, ҳар қандай ғоя адабиёт воситасида, қаҳрамонлар сиймоси, ҳиссий кечинмалари таъсири асосида ёки ёрдамида моддийлашади. Гарчи, **маънавий тизим**, турли тарихий даврларда бўлиб ўтган илмий мунозараларнинг мавзуси бўлиб келганлигини ва бугунги глобаллашув жараёнида – миллий маънавиятни ҳаммабоп “маънавият шакли” (модел тарзида) воситасида турли ахборий каналлар орқали сиқиб чиқариш авж олган замонда, миллий маънавиятни сақлаб қолишда амалий мазмун касб этганлигини инobatга олсак, адабиёт, маънавиятнинг функционал шарҳини алоҳида инсон (қаҳрамон) сиймосида ифодалаб беришга қодир эканлигини таъкидлаш муҳим. Айнан ана шундай ифодалаб бериш асносида ижодкор фаолияти психологик жиҳатдан баҳоланади. Ўқувчи завқ олиб, асар қаҳрамонинг шайдосига айланади.

Маънавият, индивидуал тарзда алоҳида инсоннинг сурати ва сийрати орасидаги мувозанатни таъминлаб, аккумулятив вазифани бажаради. Аккумулятив вазифани бажариши “... маънавиятнинг таркибий қисмлари ҳисобланган – мақсад, реал эътиқод, билим, ақл, орзу-умид, хотира, дид, тамиз⁶, туйғулар, инсонни ўзига ва атрофдагиларга бўлган муносабати, қадриятлари...” (9, 6) каби унсурларни яхлит тарзда овоз, тана аъзоларининг ҳаракати, қадам қўйиш, қараш, идрок этиш, предметга разм солиш, атрофдагилар ва ўзига бўлган муносабат характери, талабини билдириш,

⁶Тамиз (تعيز) ёмонни яхшидан ажратиш, фарқлай олиш. Амир Хусрав Дехлавий бу хусусда шундай ёзади: “Кимда тамиз камдир, одамийлик кам, Ўлик мисолидир тирикликда ҳам”(10).

манфаатларни ҳимоялай олиш учун танланган йўл тарзида намоён этишида ифодаланади. Шу боис, жамиятда адабиётга, аниқроғи, унинг турли жанрларига ўқувчининг муносабати ўзгариб турадики, бу нафақат уларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш ёки қондирмаслигига, балки ибрат учун яратилган замон қаҳрамони сиймосини тўлиқ тасвирлаб беришга ҳам боғлиқдир. Буни белгилаб олиш учун базавий эҳтиёжлар қаторидан жой олган маънавий эҳтиёжларнинг ижтимоий-психологик диагностикасини ўтказиш талаб этилади. Шу йўл асосида ижтимоий буюртмачи ҳисобланган жамиятнинг талаби қондирилади.

Ижтимоий-психологик диагностика ижтимоий фалсафа, ижтимоий психология ва социология фанлари доирасида ўтказилиши лозим ва бу уларнинг диагностика – ташхислаш ва прогнозлаш вазифасига киради. Ижтимоий-психологик диагностика воситасида жамиятдаги ижтимоий-маданий ҳолатни, аниқроғи, жорий муносабатларнинг характери – раҳм-шафқатлилик, хайрхоҳлик, оқибатлилик, самимийлик, андишалилик, сабрлилик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик кабиларнинг ҳаётда ифодаланганлик даражасини баҳолаб беради. Шундан сўнггина, илмий муаммо белгиланиб, уни ўрганиш тарзи аниқ методология асосида амалга оширилади. Шу тариқа, назария ва амалиёт бирлиги тамойилининг амал қилиниши таъминланади.

Масалага илмий-анъанавийлик нуқтаи назари билан қаралганда, таъкидлаш лозимки, адабиёт, аниқ макон ва тарихий давр ижодий тафққурининг ҳосиласи сифатида, ўша даврнинг бадиий манзарасини, мавжуд руҳий-маънавий ҳаётини акс эттириш билан бирга, унинг истиқболдаги ривожланиш йўлларини белгилаш учун рағбат бериши лозим. Адабиёт тарихидан маълумки, жуда кўп бадиий сюжетлар илмий тадқиқотнинг ишчи фарази сифатида танланиб, тажрибалар асосида ифодалаб берилган. Мазкур ижтимоий-психологик хусусият ижодкорнинг (шоир, ёзувчи, драматург, сценарист, режиссёр, бастакор ва б.) шахси, микродунёси, маҳорати ва прогноз қилиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бунда ижодкор тизимли идрок ва тафаккур соҳиби сифатида қуйидаги мавзуларни тасвирлаб бериш иқтидорининг иштирок этишини алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим:

- инсоннинг яқинларига, жонзотларга ва буюмларга, табиатга нисбатан зўравонлигини;
- “Мен”, “Биз” ва “Улар” каби маиший-ижтимоий birlikлардаги боғловчи ва айирувчи таркибларни;
- ҳаётдан завқ олиш тарзи, нафрат ҳиссини намоён этмаслик сабабларини;

• ўзликни сақлаш, олий ҳиссиётни намоён этиш, ҳамда аниқ хулқ стратегиясига эга бўлишни;

• “инсон – инсон”, “инсон – маиший – маданий муҳит”, “инсон – миллат ва бошқа миллат вакиллари”, “инсон – фан- техника”, “инсон – оила”, “инсон – эътиқод ва эҳтиёж”, “инсон – орзу-умид” каби муносабатларнинг автоном тузилиши ва функционал алоқадорлигини;

• Инсоннинг моддий, маънавий ва жисмоний эҳтиёжлари ва уларни кондиритиш учун танланган йўл ҳамда эътиқоднинг моҳиятини;

• ишлаб чиқариш ва ҳаёлот олами, бозор муносабатларининг тузилиши ва ахлоқий меъёрлар иштирокини;

• ҳайвонот ва наботот оламини инсон ҳаёти билан таққослаб, умумийлик ва хусусийликни кўрсатишни;

• маънавий ва моддий қадриятларнинг яратилиши, сайқал топиши ва уни авайлаш ҳикмат эканлигини;

• инсон қадрият эканлигини, уни англаш учун муайян фазилатларга эга бўлиш лозимлигини ва бошқалар.

Маиший ва ижтимоий ҳаётда бирор-бир мавзунинг долзарблашуви, яъни маданий сиёсийлашувини гоҳида ижодкор-инсоннинг шахси билан, баъзан эса у томондан яратилган матн ёрдамида тасвирланган сиймоларнинг ҳаётийлиги билан боғлашади. Бунинг натижасида замон ва ижодкор, миллийликни тасвирловчи шахс, ижодкор ва намуна, ибрат (эталон), маънавий талаб ва ижодкор, ижод ва субъектив кечинмалар тарзида ёндашиб, долзарблашган мавзунинг шарҳи амалга оширилади. Унинг такомиллашувини таъминлаш мақсададида, бу жараёнда аниқ бир маконда юзага келган маиший, иқтисодий, маданий, сиёсий вазиятларни, аниқроғи, жорий ҳолатни идеал ҳолатга етказиш учун замин яратилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ижодкор аниқ ижтимоий-маданий муҳитнинг, вақт ва жараённинг бунёдкори, иштирокчиси, кузатувчиси, йўналтирувчиси сифатида ижод маҳсулини яратади. Ижод маҳсули эса, турли жанр шаклида бадиий адабиётга тааллуқли бўлади. Бу ўз навбатида вақти-вақти билан жамият аъзолари китобхонлик даражасининг динамик таҳлилини амалга ошириб, жамиятда намоён бўладиган маиший ва ижтимоий мазмундаги қусурларни ислоҳ қилиш учун, ўтказиладиган маърифий тадбирлар йўналишини бегилаб олиш жараёни самарали кечишини таъминлайди.

Жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини таъминлашда бадиий адабиётнинг ролини белгилаш, турли даражада (тактик, стратегик ёки тезкор) бошқарувни амалга ошириш нуктаи назари бўйича маданий мазмун касб этади. Бунинг учун, адабиётни яхлит тарихий контекст тарзида, яъни аниқ

маконда юзага келган вазият ва унинг ривожланиши, конкрет маданиятга тааллуқлилиги, ўзаро муносабатларда ифодаланган ҳиссий, ақлий, ахлоқий, миллий хусусиятлар “рангли жозиба” сининг яққол тасвирланганлик даражаси кабиларга эътибор қаратиш лозим. Ижод намунаси асосида бир маконда яратилган асардаги (контекстаги) бадиий жозиба, бошқа бир маконда ҳаёт кечираётганлар томонидан яхлит идрок этилиши натижасида ўзлаштирилади. Ўзлаштириш жараёнини моҳияти белгилаб олингандагина, адабиётнинг инсон камолотини таъминлашдаги ролини англашга эришиш мумкин.

Инсон, ижтимоий-биологик хилқат бўлганлиги боис статик мазмун эмас, балки динамик мазмун касб этади. У камол топишга мойил (ўзгарувчан) ҳисобланганлиги учун камолот сари онгли қадам қўйиб, ўзи учун маълум бўлмаган ҳодиса ва ҳолатларни ўрганишга интилиб, турли хилда ҳукм чиқариб, ўзининг ҳаёт йўлини белгилаб олади. Ҳамма ўзига тўғри баҳо бера олмайди, негаки, чунки ҳамма ҳам ўзини яхлит тарзда идрок этишга қодир эмас. Адабиёт эса, бадиий сиймолар ёрдамида, турли сюжетлар воситасида (кўзгу тарзида) ўзини-ўзи идрок этишга уринади. Инсон, ўзини идрок этиб, ўз табиатининг қандайлигини, яшашдан кўзланган мақсади нимадан иборат эканлиги, нима яхшию нима ёмонлигини билиб олади. Ана шу “яхши” ва “ёмонлик”ни ажрата олишда, уларнинг моҳиятини англашда адабиёт “установка” берувчи – меъёрларни саралаб берувчи ва шакллантирувчи сифатида амалий ўрин тутаяди. Адабиёт маиший, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик ва маданий онг ҳамда ахлоқий, касбий тафаккур тарзи ва дунёқарашни шакллантириш (ривожлантириш) учун хизмат қилиши натижасида, фалсафий рефлексия қамровига тааллуқли бўлган вазиятли дунёқараш муаммоси билан тўқнашиб, “ечим” йўлини белгилаб бериш учун хизмат қилади. Адабиётда бадиий жанр кўринишида инсон ҳаёти ва фаолиятига доир фалсафий ғоялар мажмуаси шаклланадики, инсоннинг ҳаёт-фаолиятини ўрганувчи фанларда у “Инсон концепцияси”, “Камолот назарияси”, “Комил инсон таълимоти” деб ҳам юритилади.

Замондошимиз Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик” номли асарлар тўпламидаги “Шабада”(5, 3–47) ҳикоясида Комрон сиймосида “истайман”, “қўлимдан келади”, “орзуйимми ёки хом хаёлми?” ва “борини асраш керакми ё...” тарзида ифодаланадиган кечинмаларнинг зиддияти маҳорат билан тасвирланган бўлиб, ёзувчи Комронни яхлит “МЕН”и тизимида “ҳиссий мени”нинг доминантлигини ва “ақлий мени” билан кескин тафовутда эканлигини кўрсатиб беришга эришган. Бу жараёнда Мирсайид тоға (бадиий тимсол) мувозанатни таъминловчи, оқибат ва андишага чорловчи, ор-номус ва шараф борлигини билдирувчи (психологик нуқтаи назардан, Комроннинг

“МЕН”ини тўлдирувчи, тартибга чорловчи) сифатида қатнашган. Ўқувчи ҳикоя билан танишгач, ҳаётий воқеаларни идрок этиш меъёрини, ҳиссий кечинмалар таъсири асосида тафаккур тарзининг амал қилишини, мулоҳаза юритиш одобини, субъектив ҳукм чиқаришда иштирок этувчи хоссаларнинг амал қилишини билиб олади. “Нахотки?” – деган савол билан ўзига мурожаат этиб, ҳиссий кечинмаларни “тартибга келтириш” масаласи ҳақида ўзи билан ўзи мунозарага киришади.

Ёзувчи, ўқувчини шахсий ва оилавий муносабатларда кузатилиши мумкин бўлган вазиятга тушириш мақсадида, “ақлни чархлаш психотехникаси”дан фойдаланиб, ҳикоянинг ибтидосини “Ишора”(5, 3) билан бошлаган бўлса-да, ўқувчига таъсир кўрсатиш учун насрий ва назмий шаклдаги матнларда кузатиладиган “Эмоционал эффект”дан ⁷ ўринли фойдаланган, буни эса ижодий муваффақият намунаси деб кўрсатиш мумкин.

Адабиётда, замона қаҳрамонининг яхлит сиймосини яратиш ва ўқувчиларга етказиш жараёни мураккаб кечади. Ва, бу табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки “кеча (ўтмиш) ▲ бугун (ҳозир) ▲ эрта (келажак)” каби ҳаёт тарзида амал қиладиган маиший ва ижтимоий меъёрлар, қадрият ва идеаллар динамик мазмун касб этиши натижасида, ўзгариб туради (жойини ўзгартиради, такомиллашади, моҳиятини йўқотади). Айнан, ўзгариш сабабларини файласуф, тарихчи, психолог ва мунаққидлар асослаб беришлари лозим бўлади. Агарда, маданий жараёнда бадиий матннинг яратувчиси ва унинг истеъмолчиси орасида матнни идрок этиш юзасидан тафовут (матнни яхлит тарзда идрок этамолмаслик туфайли вужудга келадиган масофа) вужудга келганлигини инобатга олсак, бунда нафақат инсон камолотини таъминлашда бадиий адабиётнинг роли мавзуси, балки методологик вазифа ҳам долзарблигича қолмоқда. Негаки, инсоннинг камолотга етишини таъминлаш мақсадида фалсафий, психологик, социологик, педагогик таълимотлар яратилган. Аммо уларнинг бирлаштирилган яхлит тарзи инсон психологияси (айрим манбаларда инсоншунослик деб ҳам юритишади) мазкур назария билан шуғулланувчи мутахассисларнинг зиммасида турган, ўз ечимини топиши шарт бўлган масала ҳисобланади.

Бугунги кунда, бадиий адабиёт ва ўқувчи орасида жорий этилган меъёрлар чегарасининг кенгайиши ёки торайиши натижасида ўқувчи *матни ва ёзувчи матни* каби дилеммалар вужудга келган. Бу ҳолат, ўз навбатида бадиий матнларни уч гуруҳга – *ижтимоий* (коммуникатор фаолиятини тасвирловчи), *психологик* (шахснинг структурасини ифодаловчи) ва *лингвистик* (истиора, киноя, радифо, қофия тарзидаги баёнлар тарзи) кабиларга ажратиб ўрганишни

⁷Бадиий матнда ҳиссий кечинмаларнинг ифодаланишини тасвирлаш орқали таъсир кўрсатиш усули.

тақозо этади. Бу эса бадий адабиётдан воқеанинг вужудга келиши ва кечиши жараёнида қаҳрамонларнинг кечинмаларини, атрофдагиларнинг муносабатини, хулқ намунасини тасвирлаш ёки шарҳлашда, ақлий ва ҳиссий соҳаларни рағбатлантирувчи сўз ва иборалардан ўқувчига таъсир кўрсатиш мақсадида фойдаланиш (ифодалаб бериш) билан чегараланиб қолмасликни таъминлашга эришишни тақозо этади. Бунинг учун, миллийликнинг тамал тоши ҳисобланмиш индивидуал маънавиятни шакллантириш масаласига эътибор қаратиш лозим. Индивидуал маънавиятни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омиллар талайгина. Бунда адабиёт кўпфункционаллиги жиҳатидан алоҳида мазмаун касб этади. Бу ўз навбатида маърифий фаолиятда қўлланиладиган усул ва воситаларнинг мақсади, вазифаларининг аниқ кўрсатилиши билан бирга, ўқувчиларнинг ёши, яшаш ҳудуди, маданий мансублиги каби хусусий этномаданий-демографик таркибларни илмий асосланишини тақозо этади. Шундагина ижодкор матни ва унинг истеъмолчиси орасида матнни яхлит тарзда идрок этиш, “ҳазм қилиш”да кузатилаётган узилиш бартараф этилади. Узилиш таъминланмаган тақдирда, бир маротабали – “пул учун ёзилган асар” қабилига мансуб бўлган намуналарнинг сони ошиб боради. Миллий маънавиятни ҳимоялаш тизимини издан чиқаришга қаратилган таҳдидларнинг сони ошиб боради. Ва, шу тариқа ўқувчида гўзалликдан баҳраманд бўлиш завқи, гўзалликка баҳо бериш диди, мулоқот маданияти, муносабатларда амал қилиниши шарт бўлган меъёрлар ҳам шаклланиб, турли салбий унсурларнинг таъсирига тушмаслик учн индивидуал ҳимоя қабиғи таркиб топади. Шу боис, жамиятда бадий адабиётни ўқиш динамикасини баҳолашда инсон қадрият ва ўзаро муносабатларда ахлоқий меъёрларнинг сақланиши фазилат эканлигини тарғиб этишга, ўқувчида тафаккур маданияти, идрок меъёрини шакллантирувчи, хайрли ишларни бажаришга йўналтирувчи, муносабат билдириш (баҳо бериш, ҳукм чиқариш) оқибатида кишилараро пайдо бўладиган маиший муносабат тарзи, психоэмоционал ҳолатни таъминовчи индивидуал маънавият хоссаларини тасвирловчи асарларнинг яратилиши ва тарғиб этилаётганлигига эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Atkinson J. W. An Introduction to Motivation. – Princeton. – N.- Jersi, 1994.
2. Асмолов А. Психология личности: Принципы общепсихологического анализа. – Москва: Смысл, 2001.
3. Берн Э. Игры, в которые играют люди. – М.: Совершенство, 1999.
4. Вассоевич А.Л. Духовный мир народов классического Востока. – СПб., 1998. – 542 с.
5. Дўстмуҳаммад Х. Қичқирик: Янги ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2014. –3–47-б.

6. Креггер О., Сьюсон Д. 16 дорог к любви: как 16 типов личности определяют ваши возможности в любви / Перев. с англ. – М.: Персей Вече; АСТ, 1995.
7. Печчеи А. Человеческие качества / Перевод с англ. О.В. Захаровой. Общая ред. акад. Д.М.Гвишиани. – М.: Прогресс, 1980. – 302 с.
8. Самаров Р. (хаммуаллифликда). Сиесий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт) / Монография. – Тошкент 2010. – 176 б.
9. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми // Услубий кўлланма. – Тошкент: Университет, 2015.
10. Хусрав Дехлавий шеърятдан. – Тошкент, 1979. 120-б.